

ЖОН ЛОККНИНГ ЖАМИЯТ ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Жамшид Шодиёрович Элмуротов

Тошкент архитектура-қурилиш институти катта ўқитувчиси
jamshidbek82@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши билан боғлиқ воқеликлар тараққиётимизни белгилаб олиш жараёнида давлат тузилмалари ва институтлари билан биргалиқда жамиятни ҳам ислоҳ қилиш, ривожлантириш, унинг унсурларини ва институтларини такомиллаштириш зарурлигини бизнинг олдимизга талаб қилиб қўйганлиги ва бу ҳолат эса ўз-ўзидан мазкур жараёнларни тартибга солиш, бошқариш юзасидан ҳукуқий асосларни яратиш ва ушбу тизимни такомиллаштириш бўйича сўз боради.

Калит сўзлар: жамият, ижтимоий назария, табиий қонун, табиий ҳолат, таълимот, ахлоқ, диний, сиёсий, иқтисодий, ҳукуқий, мафкуравий моддий, маънавий, ижтимоий рақобат.

КИРИШ

Локк ўзининг «Табиий қонун ҳақида тадқиқот» асарида жамият ҳақида гапириб, “жамият бу табиатнинг бир қисми, борлиқнинг алоҳида шаклини ифодалайдиган фалсафий тушунча” деган хulosага келади. Бизнингча, одамлар уюшмасининг маҳсус шакли, кишилар ўртасида амал қиласидан кўплаб муносабатлар мажмуаси, жамият ўзида моддийлик ва маънавийликни, объективлик ва субъективликни, табиийлик ва ижтимоийликни мужассамлаштиради. Инсониятнинг улуғ мутафаккирлари доимий ўзгариш ва ривожланишда бўлган жамиятнинг туб моҳиятини билишга, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва ролини белгилашга, тараққиёт мантифини англашга ҳаракат қилганлар. Турли тарихий даврларда жамият моҳияти мифологик, диний таълимотлар орқали изоҳланган. Жамият моҳиятини илмий-фалсафий билиш, жамиятнинг яхлит илмий манзарасини яратиш инсоният маънавий тараққиётининг буюк ютуғи бўлди. Илмий билимлар ва фалсафий тафаккурнинг ривожланиши билан жамият моҳиятини илмий асосда ўрганиш имконияти вужудга келган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Хар бир ўзгарган тарихий даврда жамият моҳиятини янгича идрок этиш, янгича ёндашиш зарурияти пайдо бўлади. Турли тарихий даврда яратилган жамият тўғрисидаги фалсафий таълимотларда давр руҳи, жамиятнинг маънавий салоҳияти ўз аксини топади. Ижтимоий назария ва таълимотлар ҳамиша жамият дуч келган мураккаб муаммоларни ҳал этиш заруриятидан пайдо бўлади. Жамият илғор фалсафий таълимотлар туфайли олға томон ривожланиши билан ҳозиргача амал қилиб келган таълимотлар ўрнига илгорроқ таълимотларни яратиш ҳаётий эҳтиёжга айланади. Жамият ғоят мураккаб ижтимоий организмдир. У одамлар ўртасида амал қиласиган ахлоқий, диний, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий ва ҳ.к. муносабатларнинг, тарихан таркиб топган оила, дин, давлат, ахлоқ ва ш.к. ижтимоий институтларнинг мажмуасидир. Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини бир-бирига қарама-қарши қўйиш ҳам, улардан бирини муҳим, бошқасини номуҳим деб ҳисоблаш ҳам бирдай хатодир. Жамият ҳаётининг маънавий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳалари бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Уларни бошқариш ва такомиллаштиришда давлат, жамият ташкилотлари ва кишиларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари муҳим рол уйнайди. Хар бир тарихий даврда жамиятнинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятига мувофиқ равища сиёсий бошқариш усули шаклланади ва амал қиласи. Демократик жамият иқтисодий бозор муносабатлари воситасида бошқарилади, давлат сиёсати иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга ёрдам беради. Ижтимоий рақобат, манфаатдорлик иқтисодий ривожланишининг муҳим қонунияти сифатида амал қиласи. Демократик давлат жамият маънавий ҳаётини такомиллаштириш, жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, илм-фанни тараққий эттириш ҳақида кўпроқ, ғамхўрлик қиласи. Давлат жамият маънавиятининг ҳомийси сифатида таълим-тарбия соҳасида туб ислоҳотларни амалга оширади. Юксак маънавият тараққиётнинг асоси. Жамият таркибини турли синфлар, социал қатламлар ва гурӯҳлар ташкил этади. Жамият ижтимоий таркибининг хилма-хиллиги меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши, мулкчилик турли шаклларининг мавжудлиги билан боғлиқдир. Демократик жамият мулкдорлар синфи демократик давлатнинг сиёсий ва ижтимоий таянчи, иқтисодий фаровонликни таъминловчи куч ҳисобланади. Демократик жамиятнинг шаклланиши ва тараққиётини маърифатли-ҳуқуқий давлатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ижтимоий фаровонлик ва ижтимоий тотувлик комил инсон шахсини шакллантиришга, фуқаролик

жамият асосларини яратишга, ҳуқуқий билим ва маданиятни ривожлантиришга боғлиқдир. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш муқаррар равишда сиёсий ҳаётни эркинлаштиришни тақозо этади. Фуқаролик жамиятини барпо этиш, демократик институтларни ривожлантириш, комил инсон шахсини шакллантириш демократик жамият тараққиётининг бош мақсадидир.

НАТИЖАЛАР

Умуман олганда, “жамият” тушунчаси – барча ижтимоий фанлар, жумладан, ижтимоий фалсафа, фалсафа, социология, тарих фанлари, сиёсатшунослик, сиёсий иқтисод, маданиятшунослик фанларига ҳам тегишли бўлиб, уларнинг ҳам муҳим категорияларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жамият тушунчасини батафсил ўрганиш мақсадга мувофиқдир. “Жамият” сўзининг маъноси таҳлилига чуқур эътиборни қаратадиган бўлсак, бирданига ушбу терминнинг бир эмас кўплаб маъноларга эга эканлигига дуч келамиз. Бошқача қилиб айтганда, жамиятнинг бир маъноси эмас, балки ҳар хил турли тушунчалари мавжуддир. Бироқ, уларнинг бир сўз билан айтилиши масалани янада мураккаблаштиради. Шунинг учун “жамият” сўзининг маъносини назарий таҳлил қилишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

МУҲОКАМА

Локкнинг «Табиий қонун ҳақида тадқиқот» асарида жамият бу одамларнинг оддий жамоаси ёки яхлит бир организми сифатида таърифланади. Бироқ, бизнинг фикримизча, жамият терминининг энг муҳим маъноси – тарихий тараққиётнинг нисбатан мустақил бирлиги ҳисобланган аниқ бир алоҳида жамиятдир. “Жамият” сўзининг ушбу маъноси кўпинча уни туридан, индивидуал хусусиятларидан, мавжуд бўлиш вақтидан ва шунга ўхшашлардан қатъий назар, барча алоҳида жамиятларга тегишли бўлган умумий жамият тушунчасидан фарқлаб туради. “Жамият” сўзининг ушбу икки маъносини фарқлаш ҳар бир жамиятшунос учун ниҳоятда муҳим.

Алоҳида аниқ бир жамиятнинг ажратилиши жамият алоҳида мавжудликка эгами ёки унинг мавжудлиги у таркиб топадиган индивидлар мавжудлигининг маҳсулими деган савол қўйишга имконият яратади. Жамиятни тадқиқ қилиш сари назарий ёндошувларнинг бошиданоқ фалсафий ва тарихий таълимотларда ушбу саволга иккита жавоб мавжуд бўлган. Улардан бири жамиятни индивидлар

бирлашмасининг оддий жамоаси сифатида талқин қилган. Шунинг учун ҳам социал тадқиқотларнинг реал объектлари одамлар ҳисобланади. Бошқалари мавжуд эмас. Бундай нуқтаи-назарни кўпинча социологик номинализм дея атайдилар.

Жамият ҳар доим одамлардан ташкил топади. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, у шунчаки одамлар жамоаси эмас, балки маълум маънода улар ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган тизим ёки институт сифатида намоён бўлади.

Жамият тушунчаси ниҳоятда кўп қирралидир. У гоҳо маълум бир муҳим асослар туфайли бирлашган одамлар грухи жамоасига, яъни масалан: спортчилар жамияти, сиёsatчилар жамияти, жониворларни севувчилар жамияти ва хоказоларга нисбатан ҳам ишлатилади.

Жамият деганда баъзида алоҳида бирор-бир давлатларни ҳам, яъни Ўзбекистон ёки Япония жамиятини ҳам тушуниш мумкин. Барқарор миллатлараро ва давлатлараро тузилмаларни таснифлашда ҳамжамият сўзи кўлланилди (масалан: Европа ҳамжамияти).

Жамият деганда табиатнинг бир мунча хусусиятларга эга бўлган қисми, ақлнинг эгаси, маданиятнинг манбаи ва инсон мавжуд бўлишининг умумий шакли сифатидаги инсоният ҳам тушунилади.

Локк “қачонки, жамиятнинг ўзига хос томонларини кўрсатишга тўғри келса, унинг шакллари ҳақида гапирилади”¹, деган эди. Шунинг учун ҳам ҳозирда технологик асосларда жамият учга, яъни саноатлашувгacha (доиндустримальные), индустрисал и постиндустрисал жамиятларга фарқланади.

Диний асосда эса насронийлик, ислом, буддизм, конфуцийлик жамиятларига ажратилади.

Миллий асосда эса ўзбек, араб, рус, немис, француз ва хоказолар асосида фарқланади. Гарчи уларнинг ҳар бири бир-биридан ўзига хос хусусиятлар билан фарқланиб турсаларда, бироқ умумий қонуниятларга бўйсунадилар.

Фалсафада жамият тушунчаси умумий ҳаёт фаолияти билан боғланган одамларнинг тарихий вужудга келган жамоаси тушунчалари билан боғлиқ.

Жамиятнинг асосий хусусияти – унинг органик яхлитлиги, тизимишлиги, одамларнинг унда яшашнинг умумий йўллари учун зарурый асосда қанчалик бирлаша олганликларидир. Ҳар қандай жамиятнинг асосий белгиларига: тарихий вужудга келган аҳоли; худуднинг умумийлиги; ҳаёт фаолиятининг маълум бир усуллари; муносабатларнинг

¹ Заиченко Г. А. Джон Локк. М., 1973.

(иқтисодий, ижтимоий, сиёсий) тартибга солинганлиги; тилнинг маънавий-маданиятнинг ва анъаналарнинг умумийлиги; ҳокимият ва бошқарувнинг ташкил қилиниши сингарилар тааллуқлидир.

Ҳар қандай ижтимоий тизимнинг асосий элементлари уларнинг субъектларидир. Жамият фаолиятининг етакчи субъекти инсондир. Бироқ, жамият субъектлари сифатида одамларнинг ҳар хил гурӯҳлари ва бирлашмалари, яъни:

Ёшга қараб (ёшлиар, нафақаҳўрлар);
Касбий (врачлар, ўқитувчилар, шахтёрлар);
этник (халқ, миллат);
диний (черков, секта);
сиёсий (партиялар, халқ фронтлари, давлат) ҳам бўлиши мумкин.

Жамият фақатгина унинг субъектлари ўртасида барқарор муносабатларнинг мавжудлиги туфайли яшайди ва ривожланади. Одамлар ўзаро муносабатларининг турли шакллари, ижтимоий субъектлар ёки улар ўртасида юзага келадиган алоқалар ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Ижтимоий муносабатларни шартли равишда иккита катта гурӯхга бўлиш мумкин: моддий муносабатлар ва маънавий муносабатлар. Моддий муносабатлар бевосита инсоннинг амалий фаолияти жараёнида вужудга келади ва ривожланади ҳамда моддий маданият шаклида (моддий бойликларни яратиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш) мустаҳкамланади. Маънавий муносабатлар идеал, яъни ахлокий, бадиий, фалсафий, диний қадриятлар билан боғлиқ.

Кўпинча ижтимоий муносабатлар ижтимоий ҳаёт соҳалари бўйича ажратилади. Ҳар қандай жамиятда тилдан, хукмон диндан, тарихдан, ҳўжалик тарзидан қатъий назар, уни сақлаб қолиш ва давом эттириш мақсадида ишлаб чиқилиши лозим бўлган, фаолиятнинг тўрт тури мавжуд бўлади. Улар ижтимоий ҳаётнинг тўрт асосий соҳалари асослари шаклланишидан ҳамда ижтимоий муносабатларнинг тўрт шаклидан таркиб топади. Шундай қилиб;

- иқтисодий муносабатлар (моддий ишлаб чиқариш жараёнидаги муносабатлар);
- ижтимоий муносабатлар (ижтимоий ҳаёт субъектлари ўртасидаги тизим ташкил қилувчи муносабатлар;
- сиёсий муносабатлар (жамиятда ҳокимиятнинг амал қилиши бўйича);

- маънавий-интеллектуал муносабатлар (аҳлоқий диний, эстетик қадриятлар бўйича).

Ижтимоий муносабатлар инсонинг ва бутун жамиятнинг тартибга солувчи таъсирини сезади. Шунда мазкур жамиятда ўрнатилган муносабатларнинг характеристига ҳар бир одамнинг аҳволи ва фаровонлиги, шунингдек, ижтимоий тараққиётнинг йўналиши ва суръати боғлиқ бўлади. Ҳар бир маълум тарихий жамиятда одамларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий муносабатлари алоҳида шахснинг хоҳишидан маълум маънода мустақил ҳолда холисона мавжуд бўлади. Бироқ, ижтимоий муносабатларнинг тизими янги ижтимоий муносабатларни юзага келтирадиган кўплаб одамларнинг ижодий меҳнатлари ва амалий фаолиятлари асосида ривожланади.

Жамиятнинг феноменини тушуниш учун одамнинг ижтимоий “атом” сифатидаги зиддиятларини тушунтириш зарур ва ундан кейин одамларни ягона яхлитлик бўлган, ижтимоий “организм”га бирлаштирадиган қонуният характеристига аниқлик киритиш зарур. Ҳақиқатда ушбу алоқаларни ва қонуниятларни тушунтиришнинг уч асосий ёндлашувлари ажратиб кўрсатилади.

Биринчиси натуралистик ёндашув сифатида белгиланиши мумкин. Ушбу ёндашувнинг моҳияти шундаки, инсоният жамияти табиатнинг, ҳайвонот дунёсининг ва ниҳоят Космос қонуниятларининг табиий давоми сифатида қаралади. Ушбу позициядан жамият қурилиши турлари ва тарихнинг бориши қуёш фаоллиги ва космик нурланишнинг ритмлари, жўпрофий ва табиий-климатик муҳитнинг, инсоннинг табиий мавжудот, унинг генетик, ирқий ва жинсий хусусиятлари билан аниқланади. Жамият ўзига хос табиий эпифеномен, унинг олий, бироқ энг “омадли” бўлмаган ва барқарор тузилмаси сифатида шаклланади. Табиатнинг ушбу «эксперименти» инсоннинг аниқ номукаммаллигини ва номукаммал глобал муаммоларнинг оғирлигини шароитида инсониятнинг ўз-ўзини ҳалок қилишига олиб келиши мумкин. Ушбу йўналиш доирасида жамият ўз мавжуд бўлишининг шаклини ўзгартириши, Космосга “кетиши” ва у ерда ўз эволюциясининг янги тармоғини бошлиши мумкинлиги таҳмин қилинади.

Бошқа бир ёндашув “идеалистик” деб номланиши мумкин. Бу ерда одамларни бирлаштирадиган яхлитлик алоқаларининг моҳияти у ёки бу ғоялар, эътиқодлар, афсоналар комплексида кўрилади. Тарих яқдиллик биргина давлат дини сифатида

ўрнатиладиган эътиқод ёрдами билан таъминланадиган кўплаб теократик давлатларни кўрган. Кўплаб тоталитар режимлар жамият қурилишининг скелетини вазифасини ўтайдиган ягона давлат мафкурасига асосланганлар. Ушбу ғояларнинг тарғиботчиси, жарчиси сифатида одатда диний етакчилар ёки миллат ва халқнинг “дохийлари” чиққанлар ҳамда у ёки бу тарихий жараёнлар, ўзгаришлар (урушлар, ислоҳотлар ва хоказо) мазкур мафкуравий ва диний тизимга таянган ушбу шахснинг иродасига боғлиқ бўлган.

Локк таъкидлашича, жамият қурилишини тушунтиришнинг учинчи ёндашуви маълум бир табиий шароитларда ва у ёки бу эътиқоднинг, бироқ ўз-ўзига эркин ва аниқлайдиган характерга эга бўлган инсонлараро алоқалар ва муносабатларнинг фалсафий таҳлили билан боғлиқ. Бу ёндашувга биноан, жамият ягона, жамият бутунлай мослашмайдиган қисмларга эга бўлган ҳолда тузилмаларга ажратилган маълум бир тизим сифатида шаклланади. Ушбу ёндашувда инсон ўзини жамиятда эгаллаб турган ўрнидан ва ижтимоий жараёнлардаги иштирокидан мустақил ҳолда эркин амалга оширади. Инсонларнинг муносабатлари шартнома ёки маълум бир келишувлар билан эмас, балки тарихий тараққиётнинг объектив қонуниятлари ҳисобга олинадиган, жамият аъзоларининг келишуви (консенсус) билан аниқланади.

Жамият ҳақидаги фалсафий таълимотлар қадимги Дунёда, қачонки дастлабки марта жамиятга ўз қонуниятларига эга бўлган, мавжудликнинг маҳсус шакли сифатида жамиятга нисбатан қарашларни асослаб беришга дастлабки хати-ҳаракатлар амалга оширилганда вужудга келган. Масалан, Аристотель жамиятни ўз ижтимоий инстинктларини қондириш учун бирлашган индивидларнинг инсоний жамоаси сифатида баҳолаганлар. Ўрта асрларда ижтимоий ҳаётни фалсафий тушунтириш диний асосда тушунтирилган. Аврелий Августин ва Фома Аквинскийлар инсоният жамиятини ўзига хос турнинг мавжудлиги ва Худо томонидан белгилаб бериладиган ва унинг иродасига боғлиқ ҳолда ривожланадиган маънога эга бўлган инсон ҳаёт фаолиятининг шакли сифатида тушунганлар.

Ижтимоий муаммоларни ишлаб чиқишининг маълум босқичи бўлиб марксизм назарияси майдонга чиқди. Унга мувофиқ, жамият ривожланиши табиий-тарихий жараён сифатида шаклланади. Унинг фикрича, инсоният жамияти ўз ривожланишида беш ижтимоий-иқтисодий формацияни: ибтидоий жамоа тузуми, кулдорлик тузуми, феодал тизим, капиталистик тизим ва коммунистик тизимни босиб ўтади. Маркс назариясига нисбатан шундай фикрлар

билдириладики, унда ранг-баранг тарихий жараёнларнинг биринчи даражасига иқтисодий омиллар, инсоний, ижтимоий-маънавий элементларнинг таъсири эса иккинчи даражага туширилган.

Шундай қилиб, Локкнинг ижтимоий-фалсафий таълимоти ўзида бир томондан, ижтимоий муносабатлар соҳасида илмий англашнинг ўсиб бораётган кучи, бошқа томондан риволжанаётган ижтимоий тизимнинг ўсиб келаётган мураккабликларини намоён қиласи. Бундай зиддиятдан чиқишининг эса жамият мавжуд бўлишининг ва ривожланишининг умумий қонуниятлари англаниши мумкин.

Жамиятнинг барча таркибий қисмлари ўртасида барқарор алоқаларнинг мавжудлиги, уларнинг яқдиллиги ҳеч қачон файласуфларда шубҳа ўйғотмаган. Шундай бўлсада, жамиятнинг яхлитлиги, бутунлиги характерига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд бўлган ва мавжуд бўлиб қолмоқда. Фалсафа тарихида жамиятнинг “атомли” назарияси, “ижтимоий гуруҳлар” назарияси, ижтимоий институтлар ва ташкилотлар назарияси, жамиятнинг “жамият организм қаби” назарияси сингарилар маълум. Бугунги қунда қўплаб файласуфлар жамиятнинг тизим сифатидаги назариясидан фойдаланадилар. Ушбу тизим алоҳида сифатларга эга, яъни:

- интеграллик (тизим яхлитлик сифатида, ўзининг элементларидан юқори);
- функционаллик (ҳар бир элементнинг роли унинг тизим ичидаги ўрнига боғлиқ);
- тузилмавийлик (тизим элементлари алоқаларининг ва муносабатларининг нисбатан барқарорлиги);
- ташқи муҳит билан ўзаро боғлиқлиги (ҳар қандай тизим бир мунча каттароқ тизимнинг элементи ҳисобланади ва бир томондан ушбу катта тизимнинг импульсларига боғлиқ бўлса, бошқа томондан, ўзи ҳам ташқи муҳитга таъсир кўрсатади).

Ушбу барча белгиларга инсоният жамияти мос келади.

Жамият қўп даражали бўлиб, асосий даражалари қуйидагича намойиш қилиниши мумкин. Биринчи даража – бу ижтимоий ўзаро муносабатлар структурасини белгилаб берадиган ижтимоий рол.

Иккинчи даража – ушбу ижтимоий роллар тақсимланган турли ижтимоий гуруҳлар ва институтлар.

Учинчи даража –кўплаб авлодлар тажрибалари томонидан тажрибадан ўтказилган, инсон фаолияти

намуналарини кўрсатадиган меъурларни қўллаб-куватлайдиган ва ишлаб чиқадиган маданият.

Тўртинчи даража - ҳуқуқий актлар билан тартибга солинадиган ва ижтимоий тизим ичидаги алоқаларни мустаҳкамлайдиган сиёсий тизим.

Жамият - ўз-ўзини ишлаб чиқарадиган, ўз-ўзини ташкил қиласадиган, ўз-ўзини тартибга соладиган доимий ҳаракатдаги тизим бўлиб, доимий ўзгаришлар жараёнида бўлади.

Жамият ривожланишининг асосий манбаи ҳар доим ҳам юзага келган башоратлар доирасида ҳар доим ҳам тартибга солинмайдиган инсонлар хулқатворида акс этадиган ижодий энергия ҳисобланади. Бундай энергия инновацион деб аталади. Ушбу энергия ички ўз-ўзини тартибга солиш ва назорат механизмлари туфайли амалга ошириладиган жамият тизимларида мадани ва институционал ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Локк фикрича, жамият ривожи, одатда бир мунча мураккаб тизим элементларини яратишга қаратилган. Жамият ривожланишининг суръати ҳаёт жараёнлари тезлашуви ва уларнинг секинлашув даврларининг навбат алмашинуви, жамоат тузилмаларининг вақти-вақти билан инқирози ва эски аҳволига қайтиши билан боғлик.

Албатта, ҳар бир алоҳида шахс маълум бир жамиятда ва маълум бир тарихий даврда туғилади. У юзага келган, ҳисобга олмасликнинг имкони йўқ бўлган ижтимоий муносабатлар тизимида тушиб қолади. Бироқ, у ушбу тизимда ўз ўрнини ва ролини белгилаб олиши лозим бўлади.

Локк жамиятнинг ижтимоий тузилиши ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Унинг фикрича, жамиятни ички дифференциацияга эга бўлган яхлит тизим сифатида қарашни тақазо қиласади, чунки ушбу тизимнинг турли қисмлари бир-бири билан ўзаро алоқада бўлади. Реал ҳаётдаги одамларнинг турли ижтимоий жамоалари ҳар доим бир-бири билан ўзаро муносабатда бўлади ва бир-бирининг ичига кириб боради. Синфларнинг муносабатлари миллатлараро муносабатларга катта таъсир кўрсатади, миллатлараро муносабатлар эса ўз навбатида синфлар муносабатига маълум маънода таъсир кўрсатади.

Хозирги шароитда мавжуд бўлган ижтимоий жамоаларнинг мураккаб мажмуаси шунчаки, кўплаб параллел ҳолда мавжуд бўлган ижтимоий кучлардан эмас, балки сифат жиҳатдан маълум бир ижтимоий яхлитликка эга бўлган органик ижтимоий тизимдан иборатdir. Жамият ижтимоий тизими мавжуд бўлишининг ва амал қилишининг мураккаблиги ҳам шундадир. Чунки, ундаги турли ижтимоий

жамоалар бир-бирига ўтиб, чатишиб, бир-бирига таъсир кўрсатади ва шу вактнинг ўзида сифат жиҳатдан барқарор ижтимоий тузилмалар сифатида сақланади.

Локк таъкидлашича, ижтимоий тузилма сўзнинг кенг ва тор маъноларида қаралади. Ижтимоий тузилма кенг маънода турли тузилмалар шаклларини ўз ичига олади ва ўзида жамиятнинг турли ҳаётий муҳим белгилари бўйича объектив бўлинишини акс эттиради. Ижтимоий-синфий, ижтимоий-касбий, ижтимоий-демографик, этник, кўчиб юрадиган ва шунга ўхшашлар ушбу тузилманинг кенг маънодаги бир мунча муҳим нуқтаи-назари ҳисобланади.

Ижтимоий тузилма сўзи тор маънода бу яқдиллиқдир ва ўзаро муносабатларда бўлган ижтимоий қатламларнинг ва гурухларнинг ижтимоий синфий тузилмаси, синфларнинг тўпламидир. Тарихан жамиятнинг ижтимоий тузуми сўзи кенг маънода ижтимоий-синфий сўзига қараганда анча олдин пайдо бўлган. Мисол учун этник жамоалар ибтидоий жамоа даври шароитида синфлар пайдо бўлишидан анча олдин вужудга келган. Ижтимоий-синфий тузилмалар синфлар ва давлат юзага келиши билан ривожлана бошлаганлар. Бироқ, у ёки бу ҳолатда бутун тарих давомида ижтимоий тузилманинг турли элементлари ўртасида ўзаро алоқалар мавжуд бўлган. Бундан ташқари, маълум даврларда турли ижтимоий жамоалар (синфлар, миллатлар ёки одамларнинг бошқа жамоалари) тарихий воқеликларда етакчи рол ўйнашга ҳаракат қила бошладилар.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жамиятнинг ижтимоий тузуми аниқ тарихий характерга эга. Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий формация кенг ва тор маънода ўз ижтимоий тузумига хос ва улардан ҳар бирида у ёки бу ижтимоий жамоа ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шундай қилиб, маълумки, Ғарбий Европа давлатларида Уйғониш даврида буржуазия иқтисодиёт, савдо, фан ва маданият ривожида катта рол ўйнаганлиги барчамизга маълум.

Шунга боғлиқ ҳолда жамият ижтимоий тузумида ижтимоий-синфий тузилмаларнинг роли, синфларнинг ва синфий муносабатларнинг ролига алоҳида тўхталиш зарур. Маълумки, тарихда айнан синфлар ва уларнинг муносабатлари жамият ижтимоий ҳаётида катта из қолдирганлигидан даврак берадиган кўплаб фактлар мавжуд, чунки айнан синфий жамоаларда одамларнинг жуда муҳим иқтисодий манфаатлари акс этади. Шунинг учун ҳам жамиятнинг

ижтимоий-синфий тузуми жамият ижтимоий ҳаётида етакчи рол ўйнайди. Бироқ, асосан ҳозирги шароитда одамларнинг бошқа ижтимоий (этник, касбий, ижтимоий-демографик ва шунга ўхшаш) жамоалари ҳам бир мунча муҳим ахамиятга эга.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўрисидаги Фармони. – Тошкент: «Адолат», 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз.–Т.:Ўзбекистон, 2000.
4. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. // Туркистон. 1999. 2 февраль.
5. Каримов. И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999.
6. Каримов. И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003.
7. Локк Дж. Соч.: В 2 т. -- Т. 2. -- М., 1960.
8. Заиченко Г. А. Джон Локк. М., 1973.
9. Локк Дж. Мысли о воспитании .Соч.: В 3 т. -- Т.3. -- М., 1988.
10. Исломов З. Фуқаролик жамияти: кеча, бутун, эртага. -Тошкент: “Адолат”, 2002.
11. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007.